



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

КУРС ИШИ

**МАВЗУ: Мактабгача ёшдаги болалар билан ўйналадиган
ижодий ўйинларнинг моҳияти**



Бажарди: К.Акбарова

Текширди:

Тошкент-2013

Режа:

Кириш

I. Боб. Мактабгача ёшдаги болалар билан ўйналадиган ижодий ўйинларнинг маҳияти

I.1. Мактабгача ёшдаги болаларга таълим – тарбия беришда ижодий ўйинларнинг назарий асослари

I.2. Мактабгача ёшдаги болаларга таълим – тарбия беришда ижодий ўйинларни амалга ошириш йўллари

II. Боб Мактабгача ёшдаги болаларга таълим – тарбия беришда ижодий ўйинларнинг педагогик аҳамияти.

II.1 Мактабгача ёшдаги болаларга таълим – тарбия беришда ижодий ўйинларни ташкил этишнинг шарт - шароитлари

II.2 Мактабгача ёшдаги болаларга таълим – тарбия беришда ижодий ўйинларни ташкил этишда ўйинчоқларнинг аҳамияти

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Жамиятнинг маънавий тақомили унда амалга ошириладиган таълим - тарбия ишларининг мазмуни, шакл ва моҳиятига боғлиқдир. Шу боисдан ҳам таълимдаги янгиланишни, республикада амалга ошириладиган босқичма - босқич таълим тизимини педагогик талқин қилиш, бу жараёни самарадорли қилишни таъминлаш зарурияти юзага келади. Маълумки, болаларнинг асосий вақти ўйин билан ўтади. Ўйин - мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожланишининг муҳим воситаси, уларнинг асосий фаолияти бўлиб ҳисобланади. Ўйин жараёнида бола шахси фаолият субъекти сифатида шакллана бошлайди. Ўйин узок даврлардан бери машҳур олимлар, педагог-психологлар, файласуфлар, социологлар, этнографлар ва маданият арбоблари диққатини ўзига қаратиб келган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Мустақиллик йилларида ўшбу муаммога бағишланган бир қатор илмий – тадқиқот ишлари амалга оширилди. Файласуф ва социолог олимлардан С.Шермухамедов, Н.Комилов, М.Имомназаров, Қ.Назаров, Ж.Туленов, А.Бегматов, М.Бекмуродов, И.Каримов, А.Умаров, Н.Жўраев, Т.Маҳмудов, Э.ЮБсупов, ва бошқалар мактабгача ёшдаги болаларга таълим – тарбия беришда ижодий ўйинларнинг моҳияти қаби масалаларни атрофлича тадқиқ қилганлар.

Курс ишининг мақсади: Мактабгача ёшдаги болаларга таълим – тарбия беришда ижодий ўйинларни ташкил этишга оид илмий – методик адабиётларни назарий ўрганиш

Курс ишининг объекти: Мактабгача ёшдаги болаларга таълим – тарбия беришда ижодий ўйинларни ўрганиш жараёни.

Курс ишининг предмети: Мактабгача ёшдаги болаларга таълим – тарбия беришда ижодий ўйинларни ташкил этиш усуллари, воситалари, методлари ва шарт – шароитлари.

Курс ишининг вазифалари:

1. Ўрганилаётган муаммо бўйича психологик – педагогик, методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш.
2. Мактабгача ёшдаги болаларга таълим – тарбия беришда ижодий ўйинларни ташкил этишнинг амалиётдаги ҳолатини ўрганиш
3. Мактабгача ёшдаги болаларга таълим – тарбия беришда ижодий ўйинларнинг замонавий таълим методларидан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш

Курс ишининг тузилиши: кириш, 2 боб, 4 параграф, боб юзасидан хулосалар, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I. Боб. Мактабгача ёшдаги болалар билан ўйналадиган ижодий ўйинларнинг маҳияти

I. Мактабгача ёшдаги болаларга таълим – тарбия беришда ижодий ўйинларнинг назарий асослари

Мактабгача педагогикада ўйин назарияси ижтимоий фаолият ҳисобланиб, меҳнатнинг тарихий ривожланиш жараёнида пайдо бўлади.

Ўйин доимо ҳаётни акс эттиради. Шунинг учун унинг мазмуни ижтимоий воқеаликда ўзгариб туради. Ўйин – мақсадга қаратилган ўйланган жараёндир. Ўйин жараёни асосида ўқув фаолияти ривожланади. Бола ёшлигида қанча қўп ўйнаса, мактабда яхши ўқишига ва кейинчалик меҳнат фаолиятига ижобий таъсир қўрсатади

Ўйин назариясининг асосий масалалари қуйидагилардан иборат:

1. Ўйиннинг маҳияти ва ўзига хос хусусиятлари;
2. Ўйиннинг бола ҳаёти ва тарбиясидаги ўрни.
3. Ўйиннинг маҳияти ва ўзига хос хусусиятлари.

Ўйин - бўйумли-предметли ва ижтимоий воқеаликда ҳаракат қилиш ва уни англашга йўналтирилган жараёндир. У ўзининг қелиб чиқиши қўра, йўналиш ва мазмунига қўра ижтимоий воқеалик ҳисобланади. Ўйин, бў бола фаолиятининг ёркин тури. Унда мақсаднинг мавжудлиги, сабаблар, амалга ошириш воситаларининг режали ҳаракатлари натижанинг мавжудлиги ўнинг ўзига ҳослигидир. Хусусиятларнинг орасида сабабларнинг ўзига ҳослиги асосий ҳисобланади. Ўйин жараёнида боланинг психик билиш жараёни, иродаси, ҳиссиёти, эҳтиёжи ва қизиқишлари, таъсирчанлиги – ўнинг бўтун шахсияти шаклланади.

Бола ўйинда амалий эҳтиёжларга қарам бўлмайди. Бўнда у ўзининг бевосита эҳтиёж ва қизиқишларидан қелиб қикади. Болаларнинг ўйинлари ўзининг ранг – баранглиги билан ажқалиб туради. Ўйин ўз мазмуни ва ташкил этилишига қўра, болаларга таъсир қўрсатиш даражаси,

буюмларнинг турлари ва келиб чиқишига кура ижодий ва қоидали уйинларга бўлинади.

Ижодий уйинлар бу болаларнинг мураккаб ижодий, услари уйлаб чиққан уйин мажмуидир. Бунда болалар уз таассуротлари, борлик ҳаётдаги тушунчалари ва унга бўлган уз муносабатларини акс эттирадилар. Ижодий уйинлар қуйидаги туркумларга бўлинади:

- ижодий;
- драмалаштирилган;
- қурилиш;
- табиат материаллари билан уйналадиган уйинлар.

Ижодий уйинлар ва уларга раҳбарлик. Ижодий уйинлар бошқа тур уйинлардан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

1. Ўйин мазмунининг узига хослиги.
2. Ролларнинг мавжудлиги.
3. Ҳаёлий вазиятнинг мавжудлиги.

Ўйин мазмунининг узига хослиги унинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Педагог ва психологларнинг тадқиқотлари шуни курсатадики, катталарнинг ижтимоий ҳаёти узининг ранг-баранг қуринишлари билан ижодий уйинларнинг мазмуни бўлиб хизмат қилар экан. Улар болалар катталар ижтимоий ҳаётининг намунасини оладиган фаолият тури уйин эканлигини асослаб бердилар.

Ижодий уйинлар ижодийлари ва мазмунининг ранг-баранглиги, уларни тавсифлаш заруратини келтириб чиқаради. Ижодий уйин фаолияти тизимида асосий компонент сифатида уз ичига персонажни, ҳаётий вазиятни, ҳаракат ва персонажлар муносабатини олади. Ижодий уйинларда ҳаёлий вазиятнинг мавжуд бўлиши боланинг тафаккурини устириб ижодий ва роллар уйин мазмунини такомиллаштиради. Ижодий

ижодий уйинларнинг узига хос сабаблари мавжуддир. Бунинг энг асосий сабаби – болаларнинг катталар билан биргаликда ижтимоий ҳаёт кечиришга интилишидир. Бу сабаблар боланинг ёшига қараб, уйин мазмунига қараб ўзгариб боради. Кичик ёшдаги болаларда асосий сабаб буюмлар билан бажариладиган кизикарли ҳаракатлар бўлса, бола катта бўлган сари уйиндаги катталар ҳаракатларини ва муносабатларини қайта ақс эттириш асосий сабаб бўлиб хизмат қилади. Шунга қура, уйинларни ижодийи, мазмунига қура 3 гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Маиший уйинлар (оила, болалар боғчаси ва бошқа воқеликни ақс эттирадиган).
2. Меҳнат мавзудидаги уйинлар (оила ва катталар меҳнатида иштирок этиш, ўз-ўзига хизмат ва бошқ.).
3. Ижтимоий мавзудаги уйинлар.

Болалар ролларни танлаб ўйнайдилар. Ижодий уйинларда ҳатти-ҳаракатларни, қоидаларни эгаллаш асосида, ролда мужассамлаштирилган ахлокий қоидалар ҳам ўзлаштирилади. Ўйинда қишилар турмушига, ишларига, жамиятдаги ҳулк-атвор меъёр ва қоидаларига ижобий муносабат шакллантирилади. Ҳудди шу жараёнда уйин муомала маданиятини шакллантириш воситаси сифатида ҳам юзага қелади. Ақлий тарбиянинг асосий воситаларидан бири бу ижодий уйин ҳисобланиб, унда бола атроф-муҳитдаги воқеа ва ҳодисаларни ақс эттириб, ҳаёлан уларни қайта тиклайди. Ўйиннинг ҳаёлий вазияти боланинг ақлий фаолиятининг ривожланишига доимо таъсир қурсатади.

Д.Б.Эльқонин ижодий уйинни биргаликда ўйналадиган ўйинда тасвирланаётган воқеаларга, ҳаракатларга, буюмларга нисбатан ўз нуқтаи назарини бошқалар нуқтаи назари билан жамлаш масаласи шаклланиши натижасида ялпи тафаккур босқичига ўтишга имқон берувчи билишга оид жараён юз беришини таъкидлаб ўтган.

Ўйиннинг санъатга яқинлиги ижодий уйинлардан эстетик тарбияда фойдаланиш имконини яратади. Бола уйинидаги ижодкорлик билан боғлиқ бўлган туйғулар эстетик туйғуларга яқин туради. Ўйинда боланинг катта ҳаракат тажрибаси шаклланади. Турли ҳаракатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш учун қулай шароит яратилади, бола ролга киради, ўз ролига оид хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун тасвирлаётган ролларнинг ўзига хос хусусиятларини онгли равишда ифодалайди.

Икки ёшдаги болалар ҳаётида ижодий уйинчоқлар билан жуда оддий уйинлар ўтказилади. Болалар бу уйинчоқларни қўлда ўшлаб юрадилар, сиқиб қўрадилар, ерга ташлаб қўрадилар, уйинчоқларни ғилдиратадилар, уйинчоқда нима тасвирланганлигига эътибор бермайдилар. Бу ёшда қўндалик ҳаётда теварак – атрофдаги катта кишилар ва болалар ҳаракатини қўзатиб боришни, бу ҳаракатларни ўз уйинларида акс эттиришни ўргатиш лозим: қўғирчоқни овқатлантириш, ўйқўга ётқизиш ва бошқ.

Бу ёшда буюмли уйин бир неча босқичда амалга оширилади:

1 босқичда болалар уйинчоқлар билан катталар ҳаракатларига таклид қиладилар.

2 босқичда ўзлаштирган ҳаракатларни мустиқил бажара бошлайдилар, сўнгра бу ҳаракатларни бошқа буюмларга қўчирадилар.

3 босқичда тасвирий уйин вужудга келади, унинг мазмунини шартли қўроллар билан бажариладиган ҳаракатлар ташкил қилади.

Бола қўндалик ҳаётда қўзатган буюмлар билан бажариладиган ҳаракатларга таклид қилади (газета ўқийди, ер чопайди, қир ювади), буларнинг ҳаммаси ижодий – ролли уйин учун шароит яратади.

Уч ёшга кадам куйган болалар билан суҳбатлар, кузатишлар утказиш, ҳикоя ва эртаклар укиб бериш, маслаҳат бериш ва уйинларга кизиктириш керак. Ўйинда болаларни катта иш-ҳаракатининг факат ташки томонигагина таклид килдирмай, балки уларни одамларга, меҳнатга булган муносабатларига ҳам таклид килдириш, болаларда аҳиллик билан уйнай олиш, ролларни таксимлай билиш, кузланган максадга эриша олиш, тортинчок ва уятчан болаларга лойик ролларни таклиф килиб, уларнинг уйинга кушилишига ёрдам бериш керак. Болаларда хаёл тасаввурларини устириш уларда мустакил бирон янги уйинни ижод этиш, бу уйинга керакли нарсаларни танлаш, бинолар куриш, баъзи уйинчокларни уз кули билан ясаш, бадий машғулотларда орттирган малакаларини уйинда куллаш, кушиклар айтиш, шеър укиш, чизган расмлардан ва ясаган нарсалардан фойдаланиш истагини уйғотади.

Жамоа уйинининг пайдо булиши унинг мавзуи ва мазмунини ҳам, тузилишини ҳам тез ривожлантириш ва узлаштириш имконини яратади. Болалар уйинлари мавзуининг узгаришида маиший уйинлардан меҳнат, ишлаб чикариш ижодийига эга булган уйинларга, сунг турли ижтимоий ҳаёт воқеа ва ҳодисалари акс эттириладиган уйинларга утилади. Ўйиннинг мазмуни ҳам ривожланади.

Катта ёшли болалар ҳаётида ҳаракатлар каторида хилма - хил ижтимоий муносабатлар, хатти-ҳаракатлар ҳам акс эта бошлайди. Ўйинлар мавзуи доирасининг кенгайиши, улар мазмунининг теранлашуви, уйин шакли ва тузилишининг узгаришига олиб келади.

I.2 Мактабгача ёшдаги болаларга таълим – тарбия беришда ижодий ўйинларни амалга ошириш ва унга раҳбарлик

Тайёргарлик даври, ўйинга киришиш, ўйиндаги ҳаракатларни муҳокама қилиш, асосийларини белгилаб олиш жараёнларига булинади. Бу жараёнлар ўйин мазмунини туларок ифода эта олишга, узаро илик муносабатларини урнатишда келишиб олишга ёрдам беради. Ўйинни ривожлантириш учун ўйинга қўйиладиган талаблар мазмунини узгартириш керак. Ўйин вазиятини танлаш ўйинга раҳбарлик қилаётган педагогнинг маҳоратига, кизиқишига боғлиқ.

Ижодий ўйинлар мазмунининг узига хослиги унинг энг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Машҳур педагог ва психологлардан Д.Б.Эльконин, Д.В. Менджерицкий, П.Е.Саморукова ва бошқаларнинг фикрича, ижодий–ролли ўйинлар катталарнинг ижтимоий ҳаётидаги ранг-баранг хатти-ҳаракатлари, қуринишлари – болалар ўйинларининг асосий мазмуни бўлиб хизмат қилиб, катталар ижтимоий ҳаётининг намунасини оладиган фаолият туридир.

Ижодий ўйин фаолиятида асосий компонент бўлиб, у персонажни, ҳаётий вазиятни, ҳаракат ва персонажлар муносабатини уз ичига олади. Ижодий ўйинлар уз мазмун ва моҳиятига қўра жамоа ўйини бўлиб ҳисоблансада, яқка ҳолда ўйналмайди, деган фикрни келтириб чиқармаслиги керак. Ижодий ўйинлар боланинг аклий, ахлокий, жисмоний ривожланишларида муҳим аҳамият касб этиб, бунда бола эҳтиёжи ва малакаси тарбияланиб, шаклланиб боради.

Ижодий ўйинларга раҳбарлик қилиш қўйидаги асосий босқичларда амалга оширилади.

1 - босқич. Болаларнинг кизиқишларини, улардаги ижодий ўйинлар ривожланиши даражасини урганишнинг асосий воситаси қўйидагилар:

- болалар ўйинларини қўзатиш,

- уйин ривожининг асосий йуналишлари, уйин мавзуси, уйин мазмуни, бола уйин фаолиятининг ривожи, уйинда узаро муносабатларнинг ривожланиши буйича тавсифнома тузиш;
- уйинга раҳбарлик максadini аниклаш.

2 – *боскич*. Катталарнинг уйин мавзуи ва мазмунига таъсир этиши:

- уйин мавзуи буйича саёҳат ва мақсадли сайрлар;
- суҳбатлар;
- бадиий асарлар ва ҳикоялар укиб бериш;
- иллюстратив расмлар курсатиш;
- мавзу буйича турли машғулотлар;
- тасвирий фаолият машғулотлари.

3 – *боскич*. Ўйинга тайёргарлик (уйин уйнаш учун махсус жой, уйинчоклар ва уйин материаллари):

- тайёр уйинчокларни танлаш;
- кулда ясалган уйинчоклар. Бунда болаларнинг мустиқил шуғулланишлари учун уйин зонасини ташкил этиш.

4 – *боскич*. Болаларни уйнашга ургатиш (уйин жараёни ва бошқа нарсаларни уйинда акс эттириш):

- уйинчок ва унинг урнини босувчи буюмлар таъсирини урганиш;
- уйинда ҳаёлий тасаввурларни акс эттиришга ургатиш;
- уйинда сузлардан фойдаланишга ургатиш;
- уйинда ҳаракатларни ҳисобга олиш малакаларини шакллантириш;
- суз ва ҳаракат;

- ҳаракат ва уйин материали,
- суз, ҳаракат ва уйин материали уйиннинг тили ҳисобланади.

5 – *боскич*. Ўйинда ахлокий муносабатларга таъсир этиш, болалар жамоаси, хулк-атвор, маданият, уйин фаолиятида уйин маданиятини шакллантириш:

- маълум уйин мавзуга нисбатан болаларнинг ҳис-туйғуларини уйғотиш;
- болаларга уйинни аввалдан режалаштириш элементларини ургатиш;
- уйинда рол ва уйинчокларни оқилона таксимлашга ургатиш;
- тенгдошлари билан аҳил уйнай олиш маданиятини тарбиялаш;
- аҳил жамоани шакллантириш: мустикал уйнаш ва уйинни охирига етказиш, уйин жараёнидаги келишмовчилик, баҳсларни оқилона ҳал эта олиш малакаларини тарбиялаш;
- катталарнинг уйинга таъсир этиши – маслаҳат бериши, тушунчаларини тулдириш, уйинга тулаконли ёрдам бериш;
- болаларнинг уйин фаолиятларини, ахлокий муносабатларни баҳолаш.

Саҳналаштириш уйинлари, бу болаларнинг мустикал ижодий уйин тури булиб, унда бадиий асар ва ҳикоялар болалар томонидан ролларга булиб ижро этилади. Бу уйинлар болаларда ирода, интизом ва уз хатти-ҳаракатларини бошқара олиш, бошқаларнинг ҳаракатлари билан ҳисоблашиш каби ижобий маънавий хислатларни шакллантиради.

Саҳналаштириш уйинларида болалар уйин жараёнига кириб борадилар, воқеа ва эртак қаҳрамонларининг ички ҳаётига бевосита алоқадор булган қаҳрамонлик, жасурлик, меҳрибонлик, жонбозлик, жонкуярлик каби ижобий фазилатларни узларида яккол намоён қиладилар. Бу жараёнда болаларнинг нутқ фаоллиги, луғат бойлиги, дунёкараши кенгайиб боради.

Саҳналаштириш учун бадиий асар, эртаклар танлаш катта ёшдагилардан болаларнинг ёш хусусиятлари, кизикишлари, истакларини ҳисобга олишни талаб этади.

Адабий асарларни танлашда қуйидаги талаблар қўйилади:

1. Асар мазмунининг ғоявий-маънавий баркамоллиги.
2. Асарнинг бадиий жиҳатдан мазмундорлиги.
3. Асардаги катнашчи ва ролларнинг сони (қанча куп булса, асар шунча аҳамиятлидир).
4. Асарда мазмун яхши булиши билан бирга, ҳаракатларнинг тури ҳам куп булиши.
5. Асар ифодали уқишга мос булиши.
6. Асар мазмуни кизикарли, ҳаёт билан боғланган булмоғи.

Болалар халқ эртакларини саҳналаштиришни яхши курадилар. Масалан, «Шолғом», «Зумрад ва Қиммат», «Буғирсок» ва бошқалар. Болалар бошқа халқ эртакларини ҳам турли усулларда қуғирчок, соя, стол театри орқали саҳналаштиришга эҳтиёж сезадилар.

Бадиий асарни эслаб қолишлари учун уни қайта ўқиб бериш, саҳна курсатиш, расмлар намойиш этиш, ижодий ўйинлардан фойдаланилади.

Саҳналаштириш ўйинлари кизикарли ўтиши ва ўзок вақт давом этиши учун керакли жиҳозлар тайёрланиши ва унга туғри раҳбарлик қилиниши керак. Катталар ўйин режиссёри ролини амалга ошира бориб, болаларнинг хатти-ҳаракатлари, қобилиятлари, интилишларини ҳисобга олиб борадилар. Ўйинда фаол иштирок этган болаларни алоҳида рағбатлантирилиб, келгусида қайси асарларни саҳналаштириш кераклигини аниқлайдилар.

Болаларни ижодий қобилиятларини янада такомиллаштиришда қўрилиш материаллари билан ўтказиладиган ўйинларнинг роли каттадир.

Педагоглардан З.В.Лиштван, В.Г.Нечаева ўз тадқиқотларида қўриш-яшаш ўйинларининг ўзига хос томонлари ва аҳамиятини ёритиб берганлар.

Қуриш–ясаш уйинлари болада буюм образини фазовий ифодада тасвирлашни талаб қилади. Ўйин жараёнида бирор бир материал ёки буюмнинг ҳажми, катта-кичиклиги, бир-бирига мослиги, фазовий мулжаллай олиш қуникмаси шаклланади, ривожланади. Қуриш–ясаш уйинлари болаларда қузатувчанликни шакллантиради, буюмларни фазовий жойлаштира олишга ургатади.

Бу уйинларни утказиш қуйидаги босқичларда утказилади.

1 - босқич. Болаларнинг қуриш-ясаш қобилиятлари қуникма-малакаларини, қизикишлари даражасини урганиш. Қурилиш уйинларига раҳбарлик мақсадини аниқлаш.

2 – босқич. Қурилиш иншоот ва биноларига саёҳат, экскурсия, мақсадли сайрлар ташкил этиш. Турли суратлар, расмлар, бадиий асарлар, суҳбат орқали катта шаҳар ва пойтахтдаги бинолар, қурувчилар меҳнати билан яқиндан таништириш.

3 – босқич. 1. Болалар уйинлари учун шароит яратиш. Қурилиш материалларини етарли тарзда тайёрлаш (гуруҳ ва якка-якка шуғулланишлари учун).

2. Қурилиш материаллари турли ҳажм ва катта-кичикликда бўлиши мумкин.

3. Гуруҳда ва ер майдончасида қурилиш материаллари ҳамда иш қуролларнинг сақланиши.

4. Қурилиш материалларининг туғри ва қулай сақланиши.

5. Қурилиш бурчагидаги уйинчоклар ва материалларнинг жойланиши.

6. Ташландик материаллардан қулбола уйинчокларнинг мавжудлиги.

7. Ўлкамиз ва унинг пойтахти, турли транспортлар акс эттирилган альбомлар.

8. Бино ва иншоотларнинг курилишини болалар билан кузатиш.

4 – *боскич*. Болаларни куриш-ясашга ургатиш ва малакаларини шакллантириш. Бунда куйидаги усуллардан фойдаланилади:

1. Катталарнинг тушунтириб, курсатиб бериши.
2. Катталарнинг бирор-бир курилишни куриб курсатиши, ҳар бир қисмни таҳлил қилиб бериши.
3. Намуна сифатида тайёр курилиш иншоотини курсатиш.
4. Қурилишнинг айрим муҳим қисмлари ва уларнинг хусусиятлари билан таништириш.
5. Тугалланмаган курилиш объектини давом эттиришга жалб этиш.
6. Берилган мавзу асосида биноларни мустақил куриш-ясашлари.
7. Болаларнинг ижодий-ихтиёрий куриш-ясашлари.
8. Тайёр курилишни таҳлил қилиш.

5–*боскич*. Болаларнинг ижодий курилиш уйинларини ташкил этиш. Ўйин жараёнида узаро муносабатларда ахлоқий сифатларни, уйнай олиш маданиятини шакллантириш, шунингдек, ёз ойида қум, сув, қиш ойида эса қор билан уйнашга раҳбарлик қилиш.

Қум билан уйнаш. Қум болаларнинг уйнашлари учун энг қулай уйин воситаси бўлиб ҳисобланади. Қумлар махсус яшиқларда нам ҳолатда сақланади. Қумни сақлашга гигиеник талаблар қўйилади: а) қум турли хил тош, шишалардан тозаланган бўлиши; б) қум фақат намроқ ҳолда сақланиши; в) болаларнинг саломатлигига ҳавф солмаслиги керак.

Кичик ёшдаги болаларни қум билан уйнашлари учун байроқчалар, уйинчоқлар тайёрлаб қўйилиши керак.

Сув билан уйналадиган уйинлар. Бу уйинлар билан кичик ёшдан бошлаб шуғулланиш мумкин. Сувда қуғирчоқни чумилтириш, уйинчоқлар билан сувда уйнаш, катта ёшдаги болалар эса сувда чумилишлари мумкин.

Қор билан уйналадиган уйинлар болаларда кувнок кайфиятни уйғотади. Бунинг учун болаларга ёғоч белкуракча, корни ташиш учун яшикча ортилган чана булиши шарт. Катталар ёрдамида кор уюмларидан турли шакллар, корбобо, коркиз, ҳайвонларнинг киёфасини ясайдилар.

II. Боб Мактабгача ёшдаги болаларга таълим – тарбия беришда ижодий ўйинларнинг педагогик аҳамияти.

II.1 Мактабгача ёшдаги болаларга таълим – тарбия беришда ижодий ўйинларни ташкил этишнинг шарт - шароитлари

Ижодий ўйинлар таълимий ўйин сифатида болаларнинг ёш хусусиятларига мос келадиган ўйинлар сирасига киради. Ижодий ўйинларнинг муҳим белгиси ундаги коидаларнинг мавжудлигидир. Ўйинда ўйин нияти, ўйин коидалари, ўйин ҳаракатлари уртасида узвий алоқа мавжуд. Ўйин нияти ўйин ҳаракатларининг табиатини белгилайди. Ўйин коидаси эса, ўйин ҳаракатларини, вазифасини ҳал этишга ва ўйиндаги ҳаракатларни амалга оширишга ёрдам беради.

Ижодий ўйинлар орқали болаларга янги билимлар, тушунчалар бериб борилади. Бу ўйинларда боланинг ҳар томонлама ривожланиши, билим жараёни, сенсор маданияти, нутқ фаолияти, аклий қобилиятлари такомиллашади. Ўйин коидасига риоя қилиш, унга амал қилиш ўйин мазмунини бойитади.

Ижодий ўйинларда табиий нарса ва буюмлардан кенг фойдаланилади. Боланинг кун тартибида ижодий ўйин учун вақт ва жой ажратилиши керак. Бундай ўйинлар машғулот жараёнида ва ўйиндан ташқари вақтларда гуруҳ ёки якка-якка ўтказилади. Бунда ўйин мазмуни ва натижаси пухта аниқланади. Ижодий ўйинларда қуйидаги коидаларга амал қилиниши керак:

1. Навбатма-навбат таъсир этиш.
2. Суралганда жавоб бериш.
3. Ўртоқлари фикрини эшита олиш.
4. Ўйин жараёнида бошқаларга ҳалакит бермаслик.
5. Ўйин коидасини бажариш.
6. Ўз хатосини тан олиш.

Ижодий ўйинларда болаларнинг ёш, индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Ўйинда ўйин темпи ва ритми катта роль ўйнайди, жуда секин ва

бир текисдаги темп болани куп куттиради, жуда тез темп эса болаларни хаяжонга солади, турли баҳс-мунозараларга олиб келади. Катталар томонидан уйин иштирокчиларини туғри баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Ижодий уйинларнинг куйидаги турлари мавжуд: а) буюм ва уйинчоклар билан уйналадиган; б) стол-босма; в) оғзаки-суз уйинлари.

Буюм ва уйинчоклар билан уйналадиган уйинлар боланинг илк ёшидан бошлаб, то мактаб ёшига етгунга қадар уйналадиган уйин тури ҳисобланади. Бунда болаларнинг тасаввурлари, диққатлари уйин асосини ташкил этади. Уларда теварак-атрофдаги нарса ва буюмлар, уларнинг сифати, фойдали томонлари туғрисида умумий тушунча ҳосил булади. Ўйинда уйналадиган ҳар бир буюм ёки уйинчок узининг ташки қурилишига эга бўлиши, нарсанинг асосий белгисини ажрата билиш имконини бериши лозим. Бундай уйинлар болаларнинг нарсаларнинг шакли, ҳажми, белгиси, сифати ҳақидаги билимларини кенгайтиради.

Стол-босма уйинлари болаларнинг теварак-атроф ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш, бир тизимга солиш, тафаккурини (таҳлил қилиш, синтез, умумлаштириш, тавсифлаш) устириш имконини берувчи уйин усулидир. Бу уйин турига а) лото; б) жуфт расмлар; в) домино; г) лабиринт қиради.

Оғзаки сузли уйинлари катта мактабгача ёшдаги болалар билан утказилади. Улар боланинг эшита олиш, зудлик билан жавоб топа олиш, уз фикрларини тез ва аниқ ифода эта олишга ургатади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бундай уйинлар боланинг ақлий ривожланишида катта аҳамиятга эга. Юқорида курсатиб утилган уйин турларида ижодий мақсад ва уйин материалларининг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.

Қондали-ҳаракатли уйинлар асосини боланинг жисмоний ривожланишига қаратилган ҳаракатлар тизими эгаллайди. Бунда асосан юриш, югуриш, сакраш, чирмашиб чиқиш, улоқтириш, эмаклаш каби ҳаракатлар уйин

мазмунини белгилайди. Қоидали-ҳаракатли уйинлар келиб чиқишига кура: а) халқ миллий уйинлари; б) муаллифлик уйин турларига бўлинади.

Ҳар иккала уйин турида ҳам асосий мезон уйин қоидаси бўлиб ҳисобланади. Ҳаракатли уйинлар ҳаракатларнинг аниқлиги, ифодалилиги, болаларда тезкорлик, эпчиллик, қурқмаслик, мардлик каби олижаноб фазилатларни тарбиялаб боради. Қурқчилик ҳаракатли уйинлар жамоа бўлиб уйнашга мос бўлиб, бу жамоада уюшган ҳолатда ҳаракат қилиш қобилиятини шакллантиради. Қоидали ҳаракатли уйинларни ўтказишда болаларга ролни туғри тақсимлаш уйин жараёнини қозатиб бориш, унга раҳбарлик қилиш, ўз вақтида яхши ҳаракатларни рағбатлантириш уйин нуфузини оширади. Ўйин жараёнида қувноқ қайфият, ижобий ҳис-туйғулар юзага келади.

Кичик ёшдаги болалар учун уйин ижодийи очик характерга эга бўлади. Масалан, «Тупни қувла!», «Тупни ушлаб ол!». Катта ёшдаги болалар учун уйин мақсади, қоида ва уйинни ташкил этиш мураккаблашади. Қоидали-ҳаракатли уйинлар аввал жисмоний тарбия машғулотида урганилади. Сунгра бошқа жараёнларда такроран ўйнатилиши лозим. «Учинчи минг йилликнинг боласи» дастурида турли ёш гуруҳлари бўйича ўтказиладиган ҳаракатли миллий уйинлар туркумлари киритилган.

7.8. Миллий халқ уйинлари икки гуруҳга бўлинади: 1. Миллий ҳаракатли уйинлар. 2. Миллий халқ уйинлари.

Миллий ҳаракатли уйинлар спорт турлари билан ҳамда халқимиз қадриятлари билан алоқадор бўлиб, улар асрлар давомида даврларга мос равишда ривожланиб, такомиллашиб, эъзозланиб келинган. У болаларнинг жисмонан бақувват, соғлом, жасур, қатъиятли, чаккон, ўддабурон бўлиб ўсишларида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Халқ миллий уйинларида миллатнинг ўтмиш тарихи, маънавий ва маданий ривожланишининг характер хусусиятлари, ўрф-одатлари, анъаналари жамлангандир.

Халк миллий уйинлари оркали болаларни маънавий, аклий, жисмоний, эстетик жиҳатдан тарбиялаб бориш жараёнида болаларда уз Ватанини севиш, унинг бойликлари кадрига етиш, буюк аجدодларимиз меросларини ҳурмат қилиш, миллий куй ва кушиклардан завкланиш туйғулари, шунингдек ушиб келаётган ёш авлодда чидамлилиқ, сабр-тоқатлилиқ, тезкорлик, илдамлик, ботирлик каби шахсий сифатлар шаклланиб боради.

Халк миллий уйинларини мактабгача таълим муассасаларида ташкил этишда қуйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим:

- халк миллий уйинларининг турлари ва уларни ташкил этиш йуллари, усуллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш;
- миллий уйинларни ташкил этишда маънавий кадриятлар ва урф-одатларимизни кундалиқ ҳаёт жараёнига сингдириб бориш;
- мактабгача ёшдаги болаларни миллий истиклол руҳида тарбиялашда халк миллий уйинларидан мақсадли фойдаланиш;
- халк эртаклари, халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан унумли фойдаланиш;
- болаларнинг уйнашлари учун шарт-шароит (уйин учун жиҳозлар, атрибутлар) яратиш;
- мактабгача таълим муассасалари, оила ва маҳаллалар уртасида миллий уйинлар бўйича курик танловлари ва мусобакалар утқиши.

Миллий ҳаракатли уйинлар болаларнинг ёш хусусиятларига, уйиндаги ҳаракатлар ривожига қараб такомиллашиб боради.

1-2 ёшли болалар билан уйналадиган уйин турлари: «Бармоқка-бармоқ», «Ўоз-ғоз», «Ўоз турсин», «Буп-буп», «Той-той», «Поезд», «Ачом-ачом» уйинлари, гудак энди бир-икки кадам ташлашни урганаётган вақтда гавдасини туғри тутишга ёрдам берадиган уйинлар ҳисобланади.

3-4 ёшли болалар билан уйналадиган уйин турлари: «От уйин», «Кесак куйди», «Куз бойлагич», «Чорий чамбар», «Аввалакам», «Таёк иргитиш», «Қулок чузиш», «Читти гул», «Холам меҳмонга келди», «Учди-учди».

4-5 ёшли болалар билан уйналадиган уйин турлари: «Чир айланма», «Чиллак», «Тортишмачок», «Лафта», «Дор уйин», «Купкари», «Беркинмачок», «Жами», «Чертан девор гир-гир айлан».

Катта ёшдаги болалар учун уйинлар «Чавандозлар», «Доирага торт», «Дуппи яширма», «Сапалак», «Беш тош», «Ок терак-ми кук терак». Бу уйинлар оркали болаларда чакконлик, уз-узини бошқара олиш ва узига ишонч тарбияланади, катъиятлилик куникмалари шаклланади, фикрлашга ургатилиб борилади, топкирлик кобилиятлари ривожланади, ҳозиржавоб булишга тайёрланиб борилади.

Халк ҳаракатли уйинларини ташкил этиш ва болаларга ургатишда куйидаги коидаларга риоя килиш зарур.

1. Болани руҳий жиҳатдан уйинга тайёрлаш.
2. Ўйин жараёнида болаларнинг жисмоний тайёргарлиги ва ёш хусусиятларига эътибор бериш.
3. Ҳар бир уйиннинг педагогик томонларини назардан кочирмаслик.
4. Ўйинларни ижтимоий-фойдали меҳнат билан боғлаган ҳолда ҳаётга татбиқ этиш.
5. Ўйин давомида узаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш.
6. Жамоа булиб биргаликда ҳаракат килиш, жамоа манфаатига ҳурмат ва эътиборли булиш.

Миллий ҳаракатли уйинларнинг спорт курунишидаги турларидан «Кураш», «Чавандозлар» болаларда кучли ва чаккон, ҳалол ҳаракат килиш малакаларини орттиради. Ўзбек халкининг эрмак ва овутмачок уйинларидан асосан боланинг илк ёш давридан бошлаб шуғулланиб борилади. Бу уйинлар асосан катталарнинг бевосита раҳбарлигида ҳаракат ва сузларнинг

уйғунлашуви билан уйнатилади. Масалан, «Бармоклар», «Сичкон-сичкон» уйинлари оркали болаларда хушчакчаклик кайфиятлари ҳосил қилиниб тасаввурлари усиб боради. Халкимизда «Боланинг илонни чангаллайдиган даври» деган ибора бор. Бу хикмат бола ҳали куркиш ҳиссини билмайдиган даврида, яъни яхши-ёмонни ажрата олмайдиган вақтида қулланилади. Худди шу даврда «Сичкон-сичкон» уйини қул келади.

Илк ёшдаги болалар даструмолдан ясалган «сичкон»нинг ҳаракатланишидан каттик завкланиб, кийкириб яйрайдилар. «Сичкон»ни ҳаракатлантирувчи катта одам унинг жуда чакконлигини намойиш этиши керак. Бу овутомчак гудакка сичкон шакли ва унинг жуда югурдаклиги туғрисида тасаввур ҳосил қилишга кумаклашади. Эрмек уйинлардан «Оймома», «Бокка кирсам майлими», «Алла», «Ажи-ажи», «Бойланди», «Чапакка-хо-чапакка» оркали болаларни мулоқотга ургатиб борилади. Бу жараёнда болаларнинг эшитиш, қуриш, сезиш, ҳис қила олиш каби сенсор ҳолатлари фаоллашади. Болаларнинг нутқ фаоллигини устириш мақсадида айтишма уйинларидан кенг фойдаланилади. Бундай уйинларга «Бойланди», «Холам келди», «Мунди-мунди», «Булбулим-булбулим», «Куз бойлоғич», «Ок шоли, қук шоли», «Ада хорманг» лар қиради. Яна, халкимизда азал-азалдан уйнаб келинадиган суз уйинларидан «Яраштиргич»лар ҳали-ҳанузгача болалар орасида «тинчлик – ярашув» тимсоли сифатида қулланилади.

II.2 Мактабгача ёшдаги болаларга таълим – тарбия беришда ижодий ўйинларни ташкил этишда ўйинчоқларнинг аҳамияти

Ўйинчоқ - бола ҳаётининг дастлабки даврларидан бошлаб уларга йулдош кувонч манбаидир. Ўйинчоқ боланинг уйнаши учун мулжалланган ва бошқа мақсадларда фойдаланилмайдиган буюм ҳисобланади. Унда буюмларнинг типик хусусиятлари умумий тарзда акс этади.

Педагог А.С.Макаренко, «Ўйинчоқ уйиннинг «материал асоси», уйинчоқ уйинни яратишда иштирок этади, боланинг узига хос шериги сифатида намоён бўлади, унинг шахсига таъсир курсатади», - деб таъкидлайди. Рус педагоглари уйинчоқ болаларга атрофдаги мавжуд воқеликни урганишга ёрдам берадиган, ранглар, буюмлар куламини уларнинг материалларини фарклаш малакасини ривожлантирувчи восита деб таъкидлаб, бола дунёкарашини кенгайтиришдаги аҳамиятини курсатиб бердилар.

Халқ педагогикасида уйинчоқларнинг бутун бир тизими ишлаб чиқилган бўлиб, булар боланинг сенсор қобилятини ривожлантиришга қаратилган. Ўйинчоқлар болаларнинг нуткий фаоллигини уйғотади, луғат бойлигини оширади, уларда таҳлил қилиш, яхлит ҳолатга келтириш, умумлаштириш, таккослаш, тавсифлаш, диққатни жамлаш каби қобилятларни ривожлантиради.

Ўйинчоқ болаларда – маънавий-ахлокий туйғуларни (меҳрибонлик, авайлаш, эътиборлилик) шакллантиради, атроф-муҳитга ижобий муносабатни уйғотади. Ўйинчоқлар танлашда боланинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, кизиқишлари, истаклари ҳисобга олинади. Мақсадга қаратилган бундай ёндошув - уйинчоқ танлашга бўлган талабни янада оширади. Асосан, педагогик, гигиеник, бадиий талаб орқали уйинчоқ танланади.

Педагогик талаб. Ўйинчок образи ва мазмунининг бола тарбиясига мувофиқлиги; жамиятимиз ғояси нуктаи назарига мос келиши, ғоявий жиҳатдан қимматли бўлиши педагогик талабнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Ўйинчок болада олижаноб туйғуларни уйғотиши, бошқа миллат болалари билан дустона муносабатларни тарбиялаш, воқеликка нисбатан олижаноб туйғулар уйғотиши, ижобий ахлокий тажриба туплашга ёрдам бериши лозим. Боланинг фаолликка бўлган интилишини қониктириши ва уни уйғотиши керак. Образли уйинчок реал ҳақиқатни ифода этади, буюм, унинг хусусиятлари ва ҳаётдаги аҳамиятини акс эттиради.

Ўйинчокнинг динамиклик хусусияти ундан қўп маротаба режали тарзда фойдаланиш имконини яратади. Бу хусусиятидан келиб чиқиб, уйинчокка қуйидаги талаблар қўйилади:

Гигиеник талаблар. Ўйинчок қандай материалдан ва рангдан тайёрланганлиги, боланинг ҳаётига ҳеч қандай хавф солмаслиги, яхши тозаланиши мумкинлиги асосий талаблардан ҳисобланади.

Бадий талаблар. Шакл, бўёқ ва безакларнинг ҳар томонлама уйғунлашуви, бир-бирини ранг ва шакл жиҳатдан тулдириб, таъкидлаб, уйинчокнинг бадий ифодалилигини оширади. Ўйинчокларнинг тузилиши ва безалиши болаларнинг турли ёш босқичларида идрок этиш хусусиятларига тула мос келмоғи лозим.

Туғри танланган уйинчок - боланинг жисмоний, ахлокий, аклий ва бадий-эстетик тарбияси ривожига ижобий таъсир қўсатади. Болани аклий жиҳатдан тарбиялашда ижодий уйинчокларнинг бутун бир тизими қатта аҳамият қасб этиб, сенсор ва нутқ ривожига таъсир этади, фикрлаш жараёнлари ва диққатини тарбиялайди, буюм ва унинг хусусиятларига, қўрилишига бўлган қизиқиш шаклланади, билим, тушунчалари бойиб боради.

- Ўйинчок болани кувонтиради, атрофдагиларга нисбатан ижобий муносабат ҳосил қилади, биргаликда уйнаш туйғусини уйғотади ва ижобий ҳис-туйғуларни таркиб топтиради. Ахлокий ҳис-туйғуларни шакллантиришда қуғирчок муҳим аҳамиятга эга. Миллий қуғирчок болаларни бошқа миллатга мансуб булган тенгдошларига булган ижобий муносабатини тарбиялаш манбаларидан ҳисобланади. Санъатни биринчи ёрқин образли ва энг тушунарли буюми булган уйинчок эстетик ҳислар ва кечинмаларни уйғотади, эстетик тарбияни туплашга ёрдам беради ва бадий дидни шакллантиради. Шу уринда болаларга яқин ва тушунарли булган халқ уйинчокларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўйинчок болаларни турли ранг-баранг ҳаракатларга ундайди ва боланинг фаол ҳаракатга булган эҳтиёжини қондиради. Тезкор жавоб реакциясини, ҳаракатларнинг аниқлиги ва мувофиқлаштиришини ривожлантиради.

Илк ёшдаги болаларга мулжалланган қуп уйинчоклар (шаклдоқлар, резина қоптокчалар, шаклчалар ва бошқ.) болада қуриш ва эшитиш диққатини ривожлантиради, ушлаш ҳаракатлари ва буюмли ҳаракатларни устиришга ёрдам беради.

Ўйинчокларнинг турлари ва қуринишлари бўйича қуйидаги туркумларга ажратилади:

- Ижодий-образли;
- техника уйинчоклари;
- қуриш—ясаш, қурилиш материаллари уйинчоклари;
- ижодий уйинчок ва уйинлар;
- спорт ва ҳаракатли уйинлар учун мулжалланган уйинчоклар;
- йиғма—булинма уйинчоклар;

- театр ва декоратив уйинчоқлар (соя ва куғирчоқ театрларининг персонажлари, драмалаштирилган уйинлар учун кийимлар, арча уйинчоқлари);

- уйинчоқ-эрмақлар;

- оҳанг чиқарувчи музикавий уйинчоқлар;

- кулбола уйинчоқлар ва уйин материаллари, турли-туман уйин жиҳозлари.

- *Ижодий-образли уйинчоқлар* ижодий уйин учун фойдаланилади. У болаларда ижобий характер қирраларини, мулойимлик, ғамхурлик, ёрдам беришга эҳтиёж, шунингдек катталар меҳнатига ҳурмат ва тенгдошлари билан уйнай олиш малакаларини тарбиялайди.

- *Техника уйинчоқлари* болаларда техникага ва техника асбобларига булган кизиқиш уйғотиб, уларни уз уйинларида қулай олиш имконини яратади. Болаларга техникага бевосита алоқаси бор буюмнинг (машиналар, механизмлар, транспорт турлари, алоқа воситалари) ташқи қуриниши, образини ва унга хос ҳаракатларини таништирувчи техник уйинчоқлар яқин туради.

- *Қуриш-яшаш уйинчоқлари* содда, бошқариш ва фойдаланиш жиҳатдан қулай ва осондир. Бу уйинчоқларни уйнаш буюмнинг асосий вазифаларига тақлид қилиш имконини яратиши лозим. (автомобилда ғилдирақлар ҳаракатланиши, эшик очилиши). Қурилиш материаллари билан уйналадиган уйинчоқларнинг асосий 2 типи мавжуд:

а) кублар, призмалар, конуслар, пирамида, цилиндрлар, пластинкалар, геометрик шакллар туплами.

б) турли блок - девор, фронтон, колонка, том, арк ва бошқа архитектура ва қурилиш материаллари. Майда (стол уйинлари учун) ва йирик (полда ва майдончада) уйнашга мулжалланган бу қурилиш материалларининг ранги ҳар хил бўлиши мумкин.

- *Ижодий уйинчокларнинг* асосини халк уйинчоклари ташкил килади. Улар уйнашда бола уз-узини назорат килади. Хилма-хил мозайкалар сенсор кобилиятларини ривожлантиради. Улардаги уйин вазифаси нақшлар, расмларни танлаш ва жойлаштиришдан иборат.

- *Ҳаракатли уйинларга* мулжалланган уйинчоклар: сув, кум билан уйналадиган уйинчоклар, коптоклар, арғамчилар, чамбараклар, кегли ва бошкалар. Уларнинг асосий вазифаси болаларни жисмоний жиҳатдан тарбиялашдир.

- *Мусикали ва театрлаштирилган уйинчоклар* болаларнинг мусикавий оҳанг ва ритмни эшита олиш кобилиятини устиришга ёрдам беради. Катта ёшдаги болалар эртакларни саҳналаштирадilar.

- *Ўйинчок-овутмачоклар* ҳаракатчан, купинча овоз чиқарадиган булади. Улар болаларни узларининг ажойиб хатти-ҳаракатлари билан кувонтирадilar, ижодийлари эса вақтичоғлик бағишлайди.

- *Қулбола уйинчокларни* катталар болалар билан биргаликда тайёрлайдилар ва турли эртак, ҳикояларни саҳналаштирадilar.

Ўйинчокларни материалга кура: хунармандчилик, қулбола усулида, фабрикада тайёрланади.

Таникли педагог А.С.Макаренко уйинчокларнинг 3 турини ажратиб курсатган эди: тайёр уйинчоклар, ярим тайёр уйинчоклар ва уйин материаллари. Биринчи тури болаларни буюмлар ва нарсаларнинг ранг-баранглиги билан таништиради, тасаввурини устиради. Иккинчи тури боладан фаол фаолиятни талаб килади, мантикан ва аклан усишга ёрдам беради. Учинчи тури бевосита боланинг ижодий фаолиятини таъминлайди.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, ўйин структурасига мақсад, режалаштириш, мақсадга эришиш, натижаларни таҳлил қилиш каби компонентлар киради. Ўйиннинг энг асосий хусусияти унинг ижодийлигидадир. У ўзаро кураш, мусобакалашиш, ракобат шаклида намоён бўлади. Назарий жиҳатдан ўйинга фаолият, жараён ва ўқитиш методи сифатида қараш мумкин. Ўйин фаолият сифатида мақсадни белгилаб олиш, режалаштириш ва амалга ошириш, натижаларни таҳлил қилишни қамраб олади ва бунда шахс субъект сифатида ўз имкониятларини тула амалга оширади. Ўйинли фаолиятни мотивациялаш ўйин характерининг мусобакалашиш шартлари, шахснинг узини намоён қила олиши, ўз имкониятларини амалга ошириш эҳтиёжларини қондиришдан қилиб чиқади. Жараён сифатида ўйин тузилмаси (Г.К. Селевко таъбирича) қуйидагиларни қамраб олади:

- ўйнаш учун олинган роллар;
- бу ролларни ижро этиш воситаси бўлган ўйин ҳаракатлари;
- ҳақиқий нарсаларни шартлиларга алмаштириш;
- ўйинда иштирок этувчиларнинг реал ўзаро муносабатлари;
- ўйинда шартли равишда яратилган ижодий (мазмун).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: «Ўзбекистон» 1992 йил, 46 б.
2. И.А.Каримов. «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». - Т: Шарқ 1997 йил, 63 б.
3. И.А.Каримов. «Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўли». – Т: Ўзбекистон 1992 йил 46 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, сиёсат, мафкура. – Т: Ўзбекистон 1993 йил 216 б.
5. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т: Ўзбекистон 1994 йил 160 б.
6. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. –Т: Ўзбекистон 1999 йил 48 б.
7. И.А.Каримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. –Т: Ўзбекистон 1992 йил 62 б.
8. И.А.Каримов. Улуғлари эъзозланган юрт заволи кўрмагай/ Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 25.08.2001 йил
9. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т: Ўзбекистон 1997 йил 324 б.
10. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби мукаддас. –Т: Ўзбекистон 1995 йил 275 б.
11. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т: Ўзбекистон 1998 йил 686 б.
12. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. –Т: Ўзбекистон 1997 йил.
13. О.Хасанбоева ва бошқалар “Оилада баркамол авлод тарбияси” Т: “Фан ва технология” нашриёти. 2010 йил
14. Ш.А.Содиқова “Мактабгача педагогика” дарслик Т.: “Фан ва технология”, 2012 й
15. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури Т.: Ўзбекистон 2010 й
16. “Болажон” таянч дастури Т.: 2010 й